

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 9 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I9Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Ақтамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Matajonov Rahimjon Akramovich*
“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O‘RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHLILI 10-16
- Облобердиев Жасурбек Косим угли*
МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ 17-22

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Турсунов Бекмухаммад Омонович*
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ 23-34
- Курпаяниди Константин Иванович*
ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ 35-44
- Ahmedov Shohjaxon*
O‘ZBEKISTONDA CHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHLILI 45-51
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 52-62
- Рўзиев Абдумалик Ортиғалиевич*
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АХБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ 63-73
- Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna*
TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH 74-80
- Davronov Istamxo‘ja Olimovich*
МЕНМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ВАНОЛАШ USULLARI 81-86
- Маматов Бахадир Сафаралиевич*
ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ 87-96
- Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли*
КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ 97-104
- Баратов Махсудали Назиралиевич*
МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 105-116

<i>Ergashev Islom Ismoilovich</i> KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	117-127
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ	128-136
<i>Эшонкулов Акмал Кудратович</i> ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	137-142
<i>Астанов Шерзод Рустамович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	143-150
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Abdullayev Ibodulla Abdullayevich</i> YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI	151-155
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR	156-164
<i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i> BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI	165-174
<i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i> UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI	175-179
<i>Рахманов Баҳодир</i> СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ	180-186
<i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i> ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI	187-191
<i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i> JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI	192-197
<i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i> XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOY BARQARORLIKKA TA'SIRI	198-202
<i>Azimov Sherzod</i> PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY	203-207
<i>Абдурахмонович Хасан Иброхимович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	208-216

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Kuliyeva Dilshoda Alijon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI 217-223

Teshabaeva Dilfuza Muminovna, Abduxalilova Gulbaxor Karabaevna

ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА

ЯСАЛИШИ 224-230

Abdinazarov Uktam Qushoqovich

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI.. 231-236

Axmedova Shaxodat Maxmutovna

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI 242-246

Vositov Otabek Toxirjonovich

TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIKA

GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI 247-253

Hodir Raхmatullaev

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ 254-260

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР*Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ 261-270

Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI

INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI 271-276

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ*Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*

OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV

KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH 277-281

Umarova Zaxro Abduraxim qizi

TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH

(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI 282-287

Kadirov Ramz Turabovich

TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEXNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI

MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) 288-295

Khabiba Madaminovna Jurabekova

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE

COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS 296-302

<i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i> KLAUSTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELASHTIRISH MASALALARI	303-310
<i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i> MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOYIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI	311-316
<i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH	317-322
<i>Yulbarsova Xurshida</i> BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOYIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIIY-PEDAGOGIK JIHATLARI	323-329
<i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i> BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH	330-335
<i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i> O'ZBEKISTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI	336-341
<i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i> AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH	342-346
<i>Askarova Zulayxo</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI	347-352
<i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i> EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS	352-362
<i>Jumaniyazova Go'zal</i> OLIIY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALTIRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI	363-367
<i>Xusaanova Leyla Yunusova</i> СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ	368-373
<i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i> МАТЕМАТИК КРЕАТИВ ТАВСИФДАГИ MASALALARNING BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA KREATIV FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINATAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI	374-379
<i>To'xtasinov Muhammadjon</i> PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI	380-384

Eshnazarov Murod Karimovich

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI385-391

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Баратов Махсудали Назиралиевич,
Наманган давлат университети мустақил изланувчиси
Электрон почта: mnb7907@gmail.com

МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада микромолиявий ташкилотларнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги аҳамияти очиқ берилган. Микромолиявий ташкилотларнинг Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб жойлашуви, микромолиявий ташкилотларнинг молиявий кўрсаткичлари ва микромолиялаштириш амалиёти ҳамда жаҳон тажрибасида микрокредитлаш услубиёти тадқиқ қилинган. Тадқиқот натижалари асосида микромолиявий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва улар ечимига қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: нобанк кредит ташкилотлари, микрокредит, микроқарз, микролизинг, микрокредит ташкилоти, ломбардлар, фоиз ставкаси, гаров, гуруҳли кафолат, имтиёзлар, тижорат банклари, гаров таъминоти, риск, Грамминбанк.

Baratov Makhsudali Naziralievich
Independent researcher of Namangan State University

THE DEVELOPMENT OF MICROFINANCE ORGANIZATIONS IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY

Abstract. The article reveals the theoretical and legal foundations of microfinance organizations and their importance in the development of small business. The location of microfinance organizations in the regions of Uzbekistan, financial indicators and microfinance practices of microfinance organizations, as well as microfinance methodologies in the world experience were studied. According to the results of the study, problems related to the activities of microfinance organizations were identified and proposals and recommendations aimed at solving them were developed.

Key words: non-bank credit organizations, microcredit, microloan, microleasing, microcredit organization, pawnshops, interest rate, collateral, group collateral, benefits, commercial banks, collateral, risk, Gramminbank.

Баратов Махсудали Назиралиевич,
Самостоятельный соискатель
Наманганского государственного университета

РАЗВИТИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МИКРОФИНАНСОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ АКТИВНОСТИ

Аннотация. В статье раскрываются теоретические и правовые основы микрофинансовых организаций и их значение в развитии малого предпринимательства. Было изучено расположение

микрофинансовых организаций по регионам Узбекистана, финансовые показатели и практика микрофинансирования микрофинансовых организаций, а также методологии микрофинансирования в мировом опыте. По результатам исследования были выявлены проблемы, связанные с деятельностью микрофинансовых организаций, и разработаны предложения-рекомендации, направленные на их решение.

Ключевые слова: небанковские кредитные организации, микрокредит, микрозайм, микролизинг, микрокредитная организация, ломбарды, процентная ставка, залог, групповое обеспечение, льготы, коммерческие банки, залоговое обеспечения, риск, Gramminbank.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N12>

Кириш. Халқаро амалиётда тадбиркорлик субъектларининг турли шаклдаги молиявий, шу жумладан микромолиявий хизматларга бўлган талабининг ортиб бориши ҳамда микрокредитларга бўлган эҳтиёжининг юқори даражада ўсиб бориши натижасида микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва хизматлар кўламини кенгайтиришга устувор даражада аҳамият берилмоқда. Халқаро молия корпорацияси (IFC) маълумотларига кўра, «ривожланаётган мамлакатлардаги 65 млн. фирма ёки микро, кичик ва ўрта корхоналарнинг 40 фоизи ҳар йили 5,2 трлн. АҚШ доллари миқдорига кўшимча кредитларга эҳтиёжи мавжуд, бу рақам бугунги кундаги глобал даражада кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш даражасидан 1,4 баробарга кўпдир» [1]. Бундай ҳолат микромолиявий ташкилотлар сонини ошириш ва фаолиятини янада ривожлантириш, улар томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашни тақозо қилмоқда. Жаҳон банки ва бир қатор нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар томонидан микромолиявий ташкилотларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, молиявий ресурслар жалб қилиш, хизмат турларини кенгайтириш, фоиз ставкаларини мақбуллаштириш ва ташкилий-ҳуқуқий масалаларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Аммо, микромолиявий ташкилотларнинг кредитлаш қобилиятини мутсаҳкамлаш мақсадида Давлат томонидан субсидия бериш, ушбу ташкилотлардан олинган кредитларнинг маълум бир қисмининг қайтарилишига кафиллик тақдим этиш, мазкур соҳани рақамлаштириш ва шаффоликни таъминлаш, ушбу ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига гаровсиз кредитлар тақдим этишда кўмаклашиш, микромолиялаш ташкилотлари фаолиятига маъмурий таъсирлар, уларга молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятлари, фоиз ставкаларининг юқорилиги, олинган кредитларнинг тўлиқ қайтарилмаслиги каби долзарб масалалар назарий-амалий жиҳатдан ўзаро боғлиқликда амалга оширилмаган. Бу, ўз навбатида, микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб этади.

Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолиятини ривожлантириш, улар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва хизматлар сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг мижозлари фаолиятида мавжуд муаммо ва тўсиқларни ўрганиш» [2] 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида асосий ва устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди. Бу эса мамлакатимизда, асосан, тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар

кўрсатувчи нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, хизматлар кўлами ва сифатини оширишни тақозо этади ва бу борада илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари борасида хорижлик олимлардан М.Юнус томонидан чуқур тадқиқ этилган. Айнан, «гуруҳли кредитлаш услубиётига асосланган биринчи микрокредитлаш дастури» [3] Бангладешда 1976 йилда проф. М.Юнус (Нобел мукофоти соҳиби, 2006 й.) бошчилигидаги «Грамин» банки орқали амалга оширилди ва шу йилни микромолиялашнинг туғилган йили, деб номлаш мумкин. Иқтисодчи-олим А.Таев микромолиялашни «ижтимоий тенгсизликни қисқартиришга йўналтирилган, анъанавий банк хизматларига имконияти етмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга кичик миқдорда бериладиган кредитлар тушуниб, унинг асосий хусусияти кредит тарихи мавжуд бўлмаган, гаров таъминоти етарли бўлмаган мижозларга хизмат кўрсатилишидир» [4]. Т.Минакова тадқиқотларида «микромолиялаш – микрокредитлашни англатиб, кичик бизнесни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун паст фоиз ставкалар асосида кичик ҳажмдаги кредитларни гаровсиз тақдим этишдир» [5], деб тарифланган. Иқтисодчи-олим Р.Грибнинг илмий изланишларида «микромолиялаш - молиявий ташкилотлар билан кичик хўжалик шакли ўртасидаги махсус молия-кредит муносабатлари бўлиб, бунда молиявий ресурсларни қарзга олувчилар мақсадлари ва молиявий муносабатларининг ижтимоий ролига алоҳида эътибор қаратилади» [6], дея эътироф этилган.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан Б.Маматов томонидан «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришга, хусусан, тадбиркорлик субъектларини микромолиялашни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури» [7] ишлаб чиқилган. Д.Таджибаева ва И.Муминовлар томонидан «микромолиялаштириш тизими ва микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган» [8]. И.Рахмоновнинг диссертация ишида «Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган» [9]. Н.Урманованинг илмий ишида «Ўзбекистонда микромолиялаштиришни ривожлантириш истиқболлари очиб берилган» [10]. Д.Муродованинг илмий-тадқиқотларида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган» [11].

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти тараққиётини таъминлаш нуқтаи назаридан микромолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш доирасида ҳамда бу борадаги хорижий тажрибалар алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Натижалар. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, у билан банд бўлиш ва тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш молиявий маблағлар ва кредит ресурсларига боғлиқ бўлади. Хусусан, тадбиркорликнинг тараққиёти тадбиркорларнинг маблағлардан, кредит

ресурсларидан фойдалана олиш имкониятига бориб тақалади. Бу борада микромолиявий ташкилотлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Сабаби, мазкур ташкилотлар бизнес оламига кириб келаётган ёш тадбиркорларга кичик миқдордан бошлаб кредитлар бериш, микролизинг хизматларини кўрсатиш, шунингдек аҳолининг истеъмол кредитларга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди.

Микромолиялаш жамғармалар ва кредит бозори ривожига ҳамда диверсификацияланишига ёрдамлашади ва мижозларнинг кейинчалик банклардан кредит олиш учун кредит тарихини шакллантириб боради. Микромолиялаш жараёнининг тезкорлиги аҳолининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш йўли билан кичик бизнесга жалб қилади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг миқёсда қўлланилаётган микромолиялаш иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги энг самарали молиявий воситалардандир. Микромолиялаш иш билан бандликни кенгайтиришда айниқса самаралидир. Молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти одамларнинг тадбиркорлик салоҳиятини кучайтиради. У иқтисодиёт ва бизнеснинг шаффофлигини ошириш усули ҳамдир. Амалиёт кўрсатишича, микромолиявий ташкилотларнинг ривожланиши норасмий кредитлаш секторини қисқартиради, молиявий хизматдан фойдаланиш эса мижоз фаолияти шаффофлигини оширади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, дастлабки вақтларда микрокредитлаш ривожланаётган мамлакатларда фақат камбағалликдан қутулиш қуроли сифатида фойдаланилган. Бироқ, микрокредитлаш бўйича тажриба ортиши билан унинг доираси, мақсади, йўналиши ҳам кенгайиб, бугунги кунда кўпчилик мамлакатларда ундан аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламини қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида фойдаланилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, «микромолия ташкилоти – микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс» [12], сифатида эътироф этилган. Ўз навбатида, микромолиялаштириш фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида 50 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда микроқарз бериш;
- тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида 300 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда микрокредит бериш;
- жисмоний шахсларга 50 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда кредитлар ва кафолатлар бериш, исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектларига 300 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда лизинг ва кафолатлар бериш, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, бугунги кунда микромолия ташкилоти устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 2 миллиард сўмни ташкил қилади.

Микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти микромолиявий ташкилотлар сонига ва уларнинг ҳудудлар бўйлаб жойлашувига ҳам боғлиқдир. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига микромолиявий ташкилотлар сони жами 85 тани ташкил

қилиб, бу кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 19 тага ошган ёки 28,7 фоизга ўсган. 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 12 тага ошган ёхуд 16,4 фоизга ўсган. Умуман олганда, 2021-2023 йиллар даврида микроолиявий ташкилотлар сони барқарор ўсиш суръатларига эга бўлган ва бу ҳол ушбу ташкилотларнинг микроолиявий хизматларидан фойдаланиш имкониятлари нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилади. Бироқ, микроолиявий ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича жойлашувида номуносиблик мавжуд. Жумладан, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига жами микроолиявий ташкилотларнинг 29,4 фоизи Тошкент шаҳрига, 21,2 фоизи Фарғона вилоятига ва 9,4 фоизи Бухоро вилоятига тўғри келади. Аксинча, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида бор-йўғи 1 та ёки 2 тагина микроолиявий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Фикримизча, истиқболда микроолиявий ташкилотларни, нафақат, мамлакатимизнинг юқорида келтирилган саноқли ҳудудларида балки, барча ҳудудларда ўзаро мувозанатли жойлаштириш ва ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларнинг сонини ошириш зарур бўлади (1-жавдал).

1-жадвал

Ўзбекистонда микроолиявий ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича жойлашуви [13] (йил бошига, бирликда)

Ҳудудлар	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	-	1	1
Андижон вилояти	3	3	4
Бухоро вилояти	7	7	8
Жиззах вилояти	1	1	2
Қашқадарё вилояти	1	1	2
Навоий вилояти	1	1	2
Наманган вилояти	4	5	6
Самарқанд вилояти	1	2	2
Сурхондарё вилояти	1	1	1
Сирдарё вилояти	1	1	1
Тошкент вилояти	4	5	6
Фарғона вилояти	16	18	18
Хоразм вилояти	5	6	7
Тошкент шаҳри	21	21	25
Жами	66	73	85

Чунки, ривожланган ва тараққий этган мамлакатларда микроолиявий ташкилотлар сони 1000 дан зиёдни ташкил қилади. Масалан, «Россия Федерациясида 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига микроолиявий ташкилотлар сони 1269 тани» [14] ва «Қозоғистонда 252 тани» [15] ташкил қилади.

Биз микрокредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганимизнинг асосий сабабларидан бири ушбу ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига кредитларни, аксарият ҳолларда гаровсиз тақдим этадилар. Бунда гуруҳий кафолат остида кредитлашнинг афзаллиги кредит гуруҳ аъзоларининг жавобгарлиги асосида гаровсиз тақдим этилиши ва гаров бўлиб

гуруҳ кафолати хизмат қилишидир. Гуруҳ томонидан қилинган босим кредитни ўз вақтида қайтаришга имкон беради. Шунингдек, кредитни қайтариш учун гуруҳ аъзоларидан мажбурий ажратмалар шакллантирилиши мумкин. Бундай тенденция микромолиявий ташкилотлар кредитларидан аҳолининг кам таъминланган қатлами, шунингдек банклардан кредит олиш имконияти бўлмаган шахслар ҳам фойдаланиши мумкин бўлади.

Қуйидаги 2-жадвалда микрокредит ташкилотларининг молиявий кўрстаклари келтириб ўтилган.

2-жадвал

Микрокредит ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари [16]

(йил бошига, фоиз ҳисобида)

<i>Кўрсаткичлар</i>	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Активлар					
Нақд пуллар	0,48	0,67	0,62	0,56	0,51
Банклардаги маблағлар	2,00	2,37	1,95	1,59	1,29
Кредитлар ва лизинг	90,40	86,30	88,53	90,42	92,03
Асосий воситалар	2,45	2,93	2,56	2,23	1,93
Ҳисобланган фоизлар	3,24	5,74	4,75	3,92	3,22
Бошқа активлар	1,43	1,98	1,60	1,28	1,02
Жами актив	100	100	100	100	100
Мажбуриятлар					
Олинган кредитлар ва лизинг	92,9	94,2	94,1	93,9	93,8
Тўлашга ҳисобланган фоизлар	2,8	2,4	2,4	2,3	2,3
Тўлашга ҳисобланган солиқлар	0,4	1,2	1,2	1,2	1,3
Бошқа мажбуриятлар	3,9	2,2	2,3	2,5	2,6
Жами мажбурият	100	100	100	100	100
Капитал					
Устав капитал	63,2	61,3	61,6	61,9	62,2
Захира капитал	3,5	4,2	4,0	3,8	3,6
Тақсимланмаган фойда	33,2	34,5	34,4	34,3	34,2
Жами капитали	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2019-2023 йиллар мобайнида микрокредит ташкилотлари активлари таркибида ушбу ташкилотлар томонидан берилган кредитлар ва лизинг хизматлари асосий салмоқни (92,03%) ташкил қилган ва мазкур кўрсаткич тегишли йиллар даврида 1,63 фоизли пунктга ошган ёки ўртача 89,53 фоизни ташкил қилган. Бундай ҳолат микрокредит ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини кенг кўламда микромолиялаштириш ва тадбиркорларнинг кредит ресурсларига бўлган талабани қондириш, маҳсулот ишлаб

чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида микромолиявий ташкилотлар активлари таркибида кассадаги нақд пуллар салмоғи таҳлил этилаётган йиллар давомида бир фоизга ҳам етмаган ёки ўртача 0,56 фоизни ташкил қилган.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизда тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган микрокредитларнинг 99,9 фоизи тижорат банклари томонидан амалга оширилган. Бу эса республикамизда микрокредит ташкилотларининг активлари, уларнинг сони, ҳудудлар бўйича жойлашуви ва улар томонидан берилган микрокредитларнинг ҳажми ҳозирги кундаги талабни қондириш имкониятини бермайди. Шу билан бирга, микрокредит ташкилотларининг кредитлари турлари ва ҳудудлар кесимида жойлашишига қарасак бу борада ҳам заифликларни кузатиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини микромолиявий ташкилотлар томонидан микромолиялаштириш бўйича хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон тажрибасида микрокредитлашда қўлланиладиган услубиётга кўра (3-жадвал) яқка тартибда кредитлаш, одатда, тижорат банклари томонидан қўлланиладиган усулнинг янги кўринишидир. Бу жараёнда олинadиган қарзлар мол-мулк билан кафолатланади, мижозларнинг кредит тарихи ва уларга берилган тавсиялар текширилади, қарз беришда таъминланаётган бизнеснинг ҳаётийлиги (фаол тарзда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ушбу секторда рақобат курашида омон қолиш) истиқболи синчиклаб ўрганилгандан сўнг кредит берилади. ММТлар мижозлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Мазкур услубиётнинг одатдаги кредитлашдан фарқи унда маслаҳат бериш ва ўргатиш каби воситаларнинг мавжудлигидир. Гуруҳ бўлиб кредитлаш услубиётига кўра, банк ходимлари томонидан бажарилadиган вазифалар кредит гуруҳи зиммасига юкланади, унинг шаклланиши микрокредит ташкилоти ходимининг ташаббусига кўра юз беради. Гуруҳ мижозларни ўзи текширади ва унинг таркибига ким кириши мумкинлигини ўзи ҳал этади.

Гуруҳ аъзолари бир-бирининг бизнесини ва кредитни қайтариш имкониятларини баҳолашади, кредитлаш аста-секин кўпаювчи, унча катта бўлмаган миқдорда қарз бериш йўли билан амалга оширилади, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири олинган қарзни қайтариш юзасидан жавобгар бўлади, қарзни қайтариш муддати бузилганда ёки тўланмаса, гуруҳ то қарзини тамоман узмагунича навбатдаги кредитни олиш имкониятидан маҳрум этилади. Амалиётда ММТларда гуруҳларга қарзнинг ҳамма қисмини бериш усули ҳам қўлланилади ва гуруҳ қарзни аъзоларига қай тартибда беришни ўзи ҳал этади.

Жаҳон тажрибасида қўлланиладиган микрокредитлаш услуги [18]

	Қарз миқдори	Қарз муддати	Қарз бериш мақсади	Таъминот	Фоииз ставкаси
Якка тартибда кредитлаш	Бизнес эҳтиёжларига қараб ўзгартирилиши мумкин	Бизнес эҳтиёжларига қараб ўзгартирилиши мумкин	Қарз миқдори ва муддатлари ўзгариши мумкин бўлганлигидан айланма сармоёга ёки асосий воситаларга, инрфратузилмага ишлатилиши мумкин	Гаров ва кафиллар ёки бирга қарз олувчиларни тақдим этиш талаб қилинади	Қарздан кўзланган мақсадга қараб фаркланади ва одатда, тижорат ставкаларидан бирмунча юқори бўлади
Лотин Америкаси даги умумий жавобгар гуруҳлар	Кичикроқ миқдор билан чекланади, чунки мижозлар бир-бирларининг қарзларини кафолатлашлари керак. Қарз тўлаш тарихи яхши бўлган тақдирда қарз миқдори кўпайтириб борилади	Қисқа муддатли (одатда 6 ойдан ошмайди). Барча аъзоларнинг қарз муддатлари бир хил. Вақт ўтиши билан қарзларнинг муддатлари уларнинг миқдори кўпайиб бориши билан бирга ортади	Биринчи навбатда айланма сармоёга ишлатилиши мумкин, чунки қарзлар суммаси катта эмас ва улар қисқа муддатли	Ҳамкасбларнинг таъминотидан гаров сифатида кўчмас мулкни тақдим этиш талаби ўрнига фойдаланилади. Одатда пул гарови ўрнига жамғармалардан фойдаланилади	Одатда, тижорат ставкаларидан анча юқори бўлади
Грамминга ўхшаш умумий жавобгар гуруҳлар	Кичикроқ миқдор билан чекланади, чунки мижозлар бир-бирларининг кафолатлашлари керак	Қисқа муддатли (одатда 12 ой). Барча аъзоларнинг қарз муддатлари бир хил	Айланма сармоёга ёки асосий воситаларга ишлатилиши мумкин, чунки қарзлар узоқ муддатли	Гаров ўрнига ҳамкасбларнинг таъминотидан фойдаланилади	Тижорат ставкаси ёки ундан камроқ
Қишлоқ хўжалигини кредитлаш	Ташқи манбалардан бериладиган қарзлар миқдори ҳар бир мижоз жамғармалари миқдорига асосланади. Ички маблағлардан бериладиган қарзлар миқдори мавжуд маблағлар миқдорига ва мижознинг эҳтиёжларига боғлиқ	Ташқи манбалардан қарзлар қисқа ва ўрта кредит цикллари (одатда, 9 ойдан 12 ойгача) берилади. Бу муддатлар қишлоқ хўжалик циклларига мослаштириш мақсадида ўзгартирилиши мумкин. Ички маблағлардан қарзлар қисқа муддатларга (одатда, кўпи билан 1 ойга) берилади	Ташқи манбалардан бериладиган қарзлардан айланма сармоёга, унча катта бўлмаган асосий воситаларга ҳамда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик эҳтиёжларига фойдаланиши мумкин. Ички манбалардан бериладиган қарзлардан одатда, фақат, айланма сармоёга фойдаланилади ва шахсий истеъмол эҳтиёжларига фойдаланиши мумкин	Гаров ўрнига ҳамкасбларнинг таъминотидан фойдаланилади. Қишлоқ банки ички манбалардан берилаётган қарзларнинг таъминоти сифатида гаров ва кафиллар бўлишини талаб қилиши мумкин	Тижорат ставкалари ташқи манбалардан бериладиган қарзлардан ундирилади. Ички қарзлар жуда юқори фоиизлар эвазига берилади
Жамғарма ва кредит уюшмалари	Мижоз жамғармалари миқдорига боғлиқ	Бизнес эҳтиёжларига қараб ўзгартирилиши мумкин	Айланма сармоёга ёки асосий воситаларга ишлатилиши мумкин, чунки қарз миқдори ва муддатлари ўзгариб туради	Гуруҳ таъминот сифатида гаров ва кафилларни талаб қилиши мумкин	Аъзолар фондни капиталлаштириш учун кўпинча анча юқори фоииз ставкалари белгилайдилар

Гуруҳ кафолати асосида кредитлаш услугининг ўзига хос хусусияти, нафақат, гуруҳий назоратни, балки бизнесда гуруҳ аъзоларининг бирдамлиги ва ҳайрихоҳлигини, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашини таъминлайди. Шунингдек, ушбу амалиётни жамиятнинг нисбатан кам таъминланган қатламларида жорий қилиш имконини беради.

АҚШда кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, асосан, 1953 йилда ташкил этилган «Кичик бизнес маъмурияти» [17] (КБМ) ҳукумат органи орқали амалга оширилади. Унинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига кредитлар ва кафолатли қарзлар олишида ёрдам бериш, бепул ахборот хизматлари кўрсатиш,

кредиторларга давлат кафолатлари бериш кабилардан иборат.

«КБМ томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам тизими қатор кредит дастурларига эга» [19]. «КБМ кичик ва ўрта корхоналарга молиявий маблағлар тақдим этишда турли ташкилотлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида қарз сармоясининг 90 фоизигача миқдорида кредиторларга давлат кафолатларини беради, бироқ бунда кафолат суммаси 750000 АҚШ долларида ошмаслиги лозим» [20]. Микрокредитлар, аввало, янги корхоналар қуриш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация харажатларига ҳамда федерел буюртмаларни бажариш учун хом ашё ва ускуналар сотиб олишга берилади. Шуниси диққатга сазоворки, «КБМ томонидан ажратилган маблағлар кўпинча фойда бермайди, аксарияти, ҳатто, умуман қайтмайди ҳам. Ёрдам олган корхоналарнинг 85 фоизи йил давомида тугатилишига қарамай, Маъмурият экспертлари қолган қисмининг муваффақиятли ишлаши бериладиган молиявий қўллаб-қувватлашни тўлиқ оқлайди» [21], деб ҳисоблашади.

Японияда КБХТни давлат томонидан рағбатлантириш унинг барча босқичларида (рўйхатга олиш, ташкил этиш ва ривожлантириш) олиб борилади. Ушбу мақсадда турли хил иқтисодий дастаклар тизими қўлланилади: имтиёзли микрокредитлар, солиқ имтиёзлари, техник ва маслаҳат ёрдамлари, ахборот-компьютер хизматлари, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к. Бундай ёрдамлар қонунга таянган ҳолда давлат, аралаш ва хусусий тижорат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, махсус марказлар тизими орқали амалга оширилади. Кичик корхоналар фаолиятини бюджет маблағлари ҳисобига мақсадли молиялаш тизими амал қилади. Бунда бюджет маблағларининг асосий қисми давлат инвестициялари ва қарзлари дастури асосида йўналтирилади. Дастурни даромадлар қисмини почта-жамғарма кассалари, пенсия ва почта-суғурта фондлари, кафолатланган давлат заёмларини чиқариш ташкил этади.

Японияда кичик корхоналар кредит олишида кредит кафолати бериш ва суғурталаш тизими ҳам ривожланган бўлиб, бу эса кредит олиш муаммосини тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

«Германия тажрибасида давлат томонидан кичик бизнес корхоналарини кенгайтириш ва таъмирлаш, янгиларини ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йирик компаниялар капиталини жалб қилиш, кредит муассасаларига кафолатлар бериш, шунингдек, кредитлашнинг махсус дастурларини (техникавий ёрдам, инновацион тадбирлар, субконтракция, модернизация ва технологик ривожлантириш дастурлари) амалга ошириш кабиларни кўришимиз мумкин» [22]. КБХТни қўллаб-қувватлаш давлат дастурида тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилади, кейинги йилларда жуда паст ставкаларда фоизлар ундирилади. Шу тариқа тадбиркор бепул дастлабки сармоёга эга бўлади.

Италияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлаш алоҳида ўрин тутди. Ҳар йили бунга тахминан 600 млрд. лира сарфланади. Имтиёзли кредитлаш каби ёрдам турида харажатларнинг 40 фоизигача давлат томонидан қопланиши мумкин. Янги корхоналарни ташкил қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар 15 йилга, фаолият юритаётган корхоналарни замонавийлаштириш ёки кенгайтириш учун 10 йил муддатга берилади. Алоҳида имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорларга берилади, уларга ноишлаб чиқариш харажатлари учун икки йил мобайнида алоҳида ёрдам

кўрсатилади. микромолиявий ташкилотларга имтиёзли солиқ тизими жорий қилинган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш зарурки, «гуруҳли кредитлаш услугиётига асосланган биринчи микрокредитлаш дастури» Бангладешда 1976 йилда проф. М.Юнус (Нобел мукофоти соҳиби, 2006 й.) бошчилигидаги Граминбанк орқали амалга оширилган» [23]. Граминбанк тажрибасини мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиётида қўллашнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, бунда микрокредитлар тақдим этиш этишда асосий эътиборни қарз олувчининг бизнес-режаси сифати ёки кредит таъминотига эмас, балки уларнинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, уддабуронлиги, соҳадаги тажрибаси ва шахсий фазилатларига қаратилади.

Мамлакатимизда ҳанузгача тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар тақдим этишда асосий эътибор микрокредитнинг гаров таъминотига қаратилиши долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари томонидан бериладиган микрокредитлар ҳажмини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, чунки кредитга мурожаат қилувчиларда аксарият қисмида кредит таъминоти учун юқори ликвидли гаров объектлари мавжуд эмас, бунинг устига уларнинг асосий қисми расмий иш жойларига ҳам эга эмаслар.

Хулоса. Фикримизча, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда асосий эътиборнинг қуйидагиларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади: мижознинг кредит тарихи; шахсий фазилатлари (ҳалоллиги, виждонлиги, намунавий оила бошлиги эканлиги ва бошқалар); тадбиркорлик тажрибаси ва бу борадаги муваффақиятлари; маҳалладиги ҳурмат ва эътибори кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ушбу соҳада асосий муаммолар сифатида: 1) микромолиявий ташкилотлар сонининг камлиги ва уларнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича нотекис жойлашуви, бу эса ушбу ташкилотларнинг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланишига ёки ушбу хизмат турига бўлган талабнинг тўлиқ қондирилмаслигина олиб келади; 2) микромолиявий ташкилотларнинг молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятининг заифлиги, аҳолини омонатларини жалб қилиш ҳуқуқига эга эмаслиги ва бу ҳолат уларнинг кредитлаш салоҳиятига салбий таъсир этиши; 3) микромолиявий ташкилотлар томонидан берилаётган микрокредитларнинг фоиз ставкалари ўртасида юқори фарқнинг мавжудлиги ва кредит олувчиларнинг кредит тўлов қобилияти ўртасида номувофиқлиги кабилар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, фикримизча, яқин истиқболда илғор халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, микромолиявий ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бунда асосий эътиборни кредит уюшмалар фаолиятини қайта йўлга қўйиш, микромолиявий ташкилотларга молиявий ресурсларни, аҳоли омонатларини жалб қилиш ҳуқуқини бериш тартибига алоҳида эътибор қаратиш, микромолиявий хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини таъминлаш ҳамда микромолиявий ташкилотларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича мувозанатлашган ҳолда ташкил этиш зарур.

Adabiyotlar/Literatura/References:

1. https://unctad.org/system/files/official-document/osg2020d1_en.pdf. Impact of the Covid-19 Pandemic on Trade and Development.; For appropriations from all legislation, see Government Accountability Office (GAO), COVID-19: Opportunities to Improve Federal Response and Recovery Efforts, Report to the Congress, GAO-20-625, June 25, 2020, <https://www.gao.gov/reports/GAO-20-625/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги. 29-мақсад, 128-банд.
3. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование> сайти.
4. Таев А.Г. Развитие финансовой среды предпринимательства на муниципальном мезоуровне. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к. э. н. –Волгоград: ВГУ, 2007. - С. 15.
5. Минакова Т.В. Стратегия и развития малых и средних предприятий промышленности в условиях социально ориентированной экономики. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. -М.: МГУ,2008. - С. 22.
6. Гриб Р.Б. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. -Волгоград. 2008. - С. 7.
7. Маматов Б.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиёти ва уни такомиллаштириш. и.ф.н. илм. дар. олиш учун тақд. этил. дисс. авт.- Т.: 2010. - 4 б.
8. Таджибаева Д.А, Муминов И.О Микрофинансирование: руководство для микрофинансовых организаций.-Т: Молия, 2009 С-203 б.
9. Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 16 б.
10. Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Тошкент, 2012. – 20 с.
11. Муродова Д.Ч. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. И.ф.фал.док. (PhD) илм. дар.ол. учун тақд. этил. дисс. –Тошкент. 2019.– 6 б.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-765-сонли «Нобанк кредит ташкилотлари микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 3-модда. ЎРҚ-765-сон 20.04.2022. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида (lex.uz).
13. Микромолия ташкилотлари - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (cbu.uz).
14. Снижение числа микрокредитных компаний в мае 2022 года (vsezaimyonline.ru).
15. число микрофинансовых организации в Казахстане — Яндекс: нашлось 15 тыс. результатов (yandex.ru).
16. Нобанк кредит ташкилотларининг кўрсаткичлари - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (cbu.uz).
17. Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руковод. для предпринимателей: Пер. с англ. -М.:Дело, 1997. - с.19.
18. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование>.

19. Маматов Б.С. Кичик бизнесни молиялашнинг чет эл тажрибаси //Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2005. -№4. 40-б.
20. Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Рук. для предп-й.: Пер. с англ. - М.:Дело,1997. - с. 291.
21. Абатуров В., Саматов Р., Рустамов Д. Финансовая поддержка малого и среднего бизнеса: мировой опыт //Экономическое обозрение. - Ташкент, 2000. - №10. - с. 16.
22. Лапушта М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. -М.:ИНФРА-М, 2008. - с. 511.
23. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование> сайты.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 9 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).